O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 21 январь, № 14 (4929) Пайшанба

# БУНЁДКОРЛИК, ЯНГИЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ

## она-юртимизда олиб борилаётган яратувчанлик ишларида яққол намоён бўлмоқда

***Мамлакатимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Тизимда кўплаб янги корхоналарнинг фойдаланишга топширилаётгани туфайли тайёрланаётган маҳсулотлар салмоғи тобора ошиб бораётир.***

ИСЛОҲОТ

Когон шаҳрида фаолият кўрсатаётган “Бухоро-гипс” очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Корхона бинокорлик материаллари бозорида ўз ўрнини топиб бораётган меҳнат жамоаларидан ҳисобланади. Ваҳолонки, бир пайтлар шу ном остида фаолият кўрсатган корхона иқтисодий таназзулга юз тутиб, банкротлик ҳолатига келиб қолган эди.

Очиқ акциядорлик жамияти Германиянинг КНАУФ компанияси билан ҳамкорликка киришгач, аҳвол ўнглана бошлади. 2006 йилдан гипс цехини реконструкция қилиш ишларига сармоя ажратилди. Ҳамкорлик қамрови кенгая бориб, ўтган йили корхонада тамоман янги маҳсулот — қуруқ қурилиш қоришмалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

(Давоми 2-бетда).




# МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***ЖИЗЗАХ шаҳридаги “Эталон-Сангзор” қўшма корхонасида 232 минг АҚШ доллари миқдорида киритилган сармоя ҳисобига жакар матоси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.***

## Корхонанинг янги маҳсулоти

Айтиш лозимки, мебелчилик саноатида кенг қўлланиладиган ушбу мато шу пайтгача валюта эвазига четдан келтирилар эди. Айни пайтда корхона жамоаси дастлабки 20 минг погонметр мато ишлаб чиқариб, буюртмачиларга етказиб беришди.

Янги технологик йўналиш фойдаланишга топширилиши 20 кишини доимий иш билан таъминлаш имконини яратди.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***НАМАНГАН вилояти гидромелиорация тизимидаги корхоналар томонидан якунланган йилда 26 та йирик лойиҳа амалга оширилди.***

## Йирик лойиҳалар натижаси

Бу 1056,6 километр узунликдаги зовурлар қазилди, демакдир. Шунингдек, 11 та гидропост, 156 та мелиоратив қудуқ таъмирдан чиқарилди. Айтиш лозимки, тизимдаги корхоналарнинг техника саройлари кейинги икки йил мобайнида 9 та экскаватор, 7 та бульдозер ва 7 та ёнилғи ташиш воситаси билан тўлдирилиши бу борадаги ишларни ўз муддатида сифатли қилиб бажариш имконини берди.

Жорий йилда вилоят гидромелиораторлари 21 та йирик лойиҳани амалга оширишга аҳд қилишган.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***СИРДАРЁ. Гулистон туманида 4 километр масофадаги юқори босимли газ қувури тармоғи янгиланди.***

## Таъминотда узилиш бўлмайди

Шу туфайли Ўзбекистон, Қизил тонг, Усмон Носир, Алишер Навоий, Янги ҳаёт қишлоқлари ва Деҳқонобод шаҳарчасида истиқомат қилаётган 3185 хонадонда “зангори олов” таъминоти яхшиланди. Бунинг учун маҳаллий бюджетдан 228,4 миллион сўм маблағ сарфланди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***АНДИЖОН шаҳридаги Боғишамол даҳасида фаолият кўрсатаётган “Шоирабону-78” корхонаси яқинда замонавий тикув дастгоҳлари билан қайта жиҳозланди.***

## Серунум дастгоҳлар қуввати

Натижада бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар тури кўпайиб, юқори сифатли болалар ва ўсмирлар кийим-кечаклари ва курткалари ишлаб чиқарила бошланди.

Айни пайтда 50 киши меҳнат қилаётган корхона жамоаси маҳсулотларига ички бозорда талаб тобора ошиб бораётир. Улар томонидан қисқа муддатда буюртмачиларга 60 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилгани бунинг яққол далилидир.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Якунига етган 2009 йил миллий спортимиз — курашнинг дунёда янада оммалашувида муҳим босқич бўлиб тарих саҳифасидан жой олди.***

## Қизғин беллашувлар, қувончли якунлар

Кеча пойтахтимиздаги “Олимпия шон-шуҳрати” музейида йил якунларига бағишлаб ташкил этилган матбуот анжуманида ўтган давр давомида амалга оширилган ишлар ва келгуси режалар ҳақида журналистларга батафсил маълумот берилди.

(Давоми 4-бетда).

***Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимини ислоҳ қилишга беқиёс эътибор билан қаралаётгани бежиз эмас. Ёшлар — Ватан келажаги, улар бизнинг умид ва ишончимиз. 2008 йилнинг мамлакатимизда “Ёшлар йили” ҳамда жорий 2010 йилнинг “Баркамол авлод йили” деб номланиши замирида ҳам Ватанимиз ўғил-қизларининг келажаги ҳақида ғамхўрлик мужассам.***

# БУЮК КЕЛАЖАКНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Ғамхўрлик

Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида ҳам юртимизнинг эртанги ривожи ва тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларни камол топтириш, уларнинг истеъдодларини юзага чиқариш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш кераклигига алоҳида тўхталдилар. Зеро, ёшлар етук кадрлар бўлиб етишсагина, Ватан тараққиёти таъминланади.

Таълим-тарбияга эътибор ана шундай муҳим зарурат ва эҳтиёж эди. Бу зарурат нақадар долзарб эканлиги Президентимизнинг “2004 — 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги Фармони ва унинг ижросини таъминлашга оид Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида алоҳида қайд этилди. Юртимиз аҳолисининг 45 фоиздан ортиғини 18 ёшга тўлмаган ўсмирлар ва болалар ташкил этади. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг бевосита раҳнамолигида ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни мустақилликнинг илк даврларидаёқ мамлакатимизда таълимни ривожлантириш стратегиясини белгилаб берди.

Ушбу рақамларга эътибор қаратайлик: 2004 — 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида жами 6544 та умумтаълим мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, жумладан, 275 та янги мактаб бинолари барпо этилди. 1757 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 2866 таси капитал, 1646 та мактаб эса жорий таъмирланди. Бу ишларга Мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан жами 962,7 млрд. сўм маблағ сарфланди. Эътиборлиси шундаки, фойдаланишга топширилган 6544 та таълим муассасасидан 5284 таси (80,7 фоиз) қишлоқларда, 198 таси (3,1 фоиз) бориш қийин бўлган тоғли ҳудудларда, қолган 1062 таси (16,2 фоиз) эса шаҳарларда барпо этилди.

(Давоми 4-бетда).

# САРМОЯВИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

***Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 20 январь куни “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасини ривожлантириш бўйича қўшма маслаҳат дастурининг семинари бўлиб ўтди.***

Анжуман

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан Корея Республикаси Стратегия ва молия вазирлиги, Корея ривожланиш институти ва Корея халқаро иқтисодий сиёсат институти билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда икки мамлакатнинг қатор вазирлик ва идоралари, молия институтлари вакиллари, мутахассис ва экспертлар иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари Н. Нажимов Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз иқтисодий қудратини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини, бу борада халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилаётган “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасига хориж сармоясини жалб этиш юртимиз иқтисодиётини янада тараққий эттиришга катта ҳисса қўшади.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан биридир. Мазкур мамлакатнинг Ўзбекистонга шу вақтгача киритган жами сармояси икки миллиард АҚШ долларидан ошади.

Жанубий Кореянинг йирик фирма ва компанияларини мамлакатимиз иқтисодиётига кенг жалб этиш мақсадида 2009 йилнинг март ойида Сеул шаҳрида “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси: корейлик шериклар учун Ўзбекистонда янги сармоявий имкониятлар” мавзуида конференция бўлиб ўтди. Мазкур конференцияда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида нефть-газ, кимё, электротехника, машинасозлик, тоғ-кон металлургияси, фармацевтика, енгил саноат, қурилиш ва мебелсозлик соҳаларида фаолият юритувчи қўшма корхоналар ташкил этишга доир қирққа яқин битим имзоланган эди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 декабрда қабул қилинган “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони Навоий вилояти, хусусан, Навоий шаҳрининг ишлаб чиқариш салоҳиятини янада ошириш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, юқори технологияларни ўзлаштириш, хориж сармоясини жалб қилишда муҳим омил бўлаётир. Навоий шаҳри халқаро аэропорти ҳудудида “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилиши жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш борасида муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда).

# ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР САМАРАЛАРИ

***Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида илмий тадқиқот ташкилотлари ва иқтисодиётимизнинг реал сектори корхоналари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш юзасидан муҳим вазифалар белгиланган.***

Ушбу ҳужжат ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти, Тошкент давлат аграр университети Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги фан ва техника маркази билан ҳамкорликда «Сурхондарё воҳаси суғориладиган ерларидан самарали фойдаланиш, деҳқон ва фермер хўжаликлари суғориладиган тупроқларининг унумдорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш» мавзуида 765 миллион сўм ҳажмидаги инновацион лойиҳани амалга оширмоқда.

Уч йилга мўлжалланган мазкур лойиҳадан кўзланган мақсад — суғориладиган ерлар унумдорлигини тиклаш, сақлаш, янги ерларни ўзлаштириш, қўшимча сув манбаларидан фойдаланиш, экинларни парваришлаш бўйича мақбул агротехникани жорий этишдан иборат.

Мутахассисларнинг фикрича, шўро даврида пахта яккаҳокимлиги оқибатида экин майдонларининг умумий биологик мувозанати бузилган. Ер ости сувлари кўтарилиб, тупроқнинг шўрланиш даражаси ошган.

— Бу ҳолат мутахассисларни жиддий ташвишлантираётган эди, — дейди Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги фан ва техника маркази директори, профессор Чори Саидов. — Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 29 октябрда қабул қилинган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир қарори мавжуд муаммоларни бартараф этиш ишларини жадаллаштиришга хизмат қилмоқда. «Сурхондарё воҳаси суғориладиган ерларидан самарали фойдаланиш, деҳқон-фермер хўжаликлари суғориладиган тупроқларининг унумдорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш» инновацион лойиҳаси ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга кўмаклашиш баробарида, ҳосилдорлик юқори бўлишини илмий жиҳатдан асослаб беради. Шу асосда тегишли қўлланмалар яратилади.

Маълумотларга кўра, вилоятдаги суғориладиган экин майдонининг 25 минг 300 гектари кучли, 45 минг 800 гектари ўртача ва 88 минг гектари кам миқдорда шўрланган. Инновацион лойиҳага кўра, ўтган йили Музработ туманининг Абдулла Набиев номидаги ва Шеробод туманидаги «Таллашқон» сув истеъмолчилари уюшмалари мониторинг-тажриба даласи сифатида танланиб, илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.

Абдулла Набиев номидаги сув истеъмолчилари уюшмасида жойлашган тажриба даласи ўртача шўрланган. Мутахассислар экин майдонларининг тупроқ тури, механик таркиби, тупроқ озуқа элементларининг умумий ва минерал ҳолатидаги миқдорини, сув ўтказувчанлиги, зах сув сатҳи ва ҳосилдорликни оширишга тўсқинлик қилаётган бошқа омилларни аниқлади. «Таллашқон» сув истеъмолчилари уюшмасида пахта ва ғаллани алмашлаб экиш тизимининг тупроқ унумдорлигига таъсири ўрганилди ва алмашлаб экишнинг самаралари илмий жиҳатдан асосланди. Тўрт йил кетма-кет ғалла экилган майдонда ҳосилдорликнинг камайиб бориши кузатилди.

(Давоми 2-бетда).

***Ёшликни асов дарёга қиёслашади. Дарҳақиқат, ёшлик — мисли кўрилмаган катта куч. Бу куч бунёдкорлик, эзгулик сари йўналтирилса, унинг мевасидан бутун жамият баҳраманд бўлади. Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда бу ҳақда алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай деди: “Ҳаммамизга теран бир ҳақиқат аён бўлиши керак — биз юртимизнинг эртанги ривожи йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали иш кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди”.***

# «ОРЗУЛАРИМГА ҚАНОТ БАҒИШЛАДИ»

Шу боис мамлакатимизда ёш авлодни маънан ва жисмонан баркамол қилиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Яратиб берилган имкониятлардан оқилона фойланаётган мустақил юрт фарзандлари замонавий билим ва кўникмаларга эга етук мутахассислар бўлиб камол топишмоқда. Буни халқ хўжалигининг барча соҳаларида ёшлар пешқадамлик қилаётганидан ҳам илғаб олиш қийин эмас. Айниқса, тадбиркорлик ҳаракатида ёш авлод анчайин илдам.

Отабек Аҳмаджонов — ана шундай ёшларнинг бир вакили. У пойтахтимиздаги “Mezon Plast” масъулияти чекланган жамияти раҳбаридир.

— Бугун биз, ёшларга ўқишимиз, эгаллаган касбимиз бўйича ишлашимиз, бир сўз билан айтганда, иқтидоримизни намоён этиш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган, — дейди ёш тадбиркор. — Мутахассислигим бўйича иқтисодчи эмасманми, ўқишни битиргач, тадбиркор бўлиш истаги туғилди. Лекин бунинг учун маълум даражада кўникма ҳам зарур эди, албатта. Шу мақсадда иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида ишладим. Президентимизнинг 2009 йил 15 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори орзуларимга қанот бағишлади, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан. Қолаверса, ишбилармонларнинг, айниқса, ёш тадбиркорларнинг яқин кўмакчисига айланиб бораётган “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банкидан олинган 160 миллион сўм миқдоридаги имтиёзли сармоя фаолиятимизни янада ривожлантирди.

### 2010 йил — Баркамол авлод йили

Тадбиркор маблағнинг асосий қисмини технология ва ускуналар сотиб олишга сарфлади. Натижада қисқа фурсатда корхона цехларига хорижнинг энг замонавий дастгоҳлари олиб келиб ўнатилгач, ўтган йилнинг сентябрь ойидан дастлабки маҳсулотни ишлаб чиқариш бошланди.

“Mezon Plast” МЧЖ полипропилен қоплари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, бу ерда иш тизимли йўлга қўйилган. Яъни маҳсулот тайёрлаш тўқув цехидан бошланади. Полипропилен толалардан тўқилган газлама тикув цехида чеварларнинг меҳнати билан турли-туман қопларга айланади. Сўнгра бўяш цехида уларга гул ёки тамға босилади. Ишлаб чиқаришда юқори сифатли хом ашёдан фойдаланилаётгани боис маҳсулотнинг сифати юқори: иссиқ ва совуққа чидамли, ранги ўчиб кетмайди. Шу боис у озиқ-овқат, қурилиш, кимё ва енгил саноатда, шунингдек, қишлоқ хўжалигида кенг қўлланилиши мумкин. Муҳими, 40 нафар йигит-қиз меҳнат қилаётган ушбу жамоа мижоз талабидан келиб чиққан ҳолда, 10 килограммдан 100 килограмм сиғимгача бўлган қоплар тайёрлаб беради. Хоҳласангиз, ушлагичлар тикиб беришади. Талаб ҳам шунга яраша ортиб бораяпти. Пойтахтимизда 2009 йил 22-24 декабрь кунлари бўлиб ўтган 2010 йилда ишлаб чиқариладиган халқ истеъмоли товарларини харид қилиш бўйича республика улгуржи савдо-ярмаркасида умумий қиймати 500 миллион сўмликдан зиёд шартномалар имзолангани бунинг исботидир.

— Айни пайтда ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, аниқроғи, 2010 йилда хўжалик буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳаракатидамиз, — дейди жамият муҳандиси Азиз Усмонов. — Бу цехимиз ишга тушгач, жамоамиз биз каби ёш мутахассислар ҳисобига янада кенгаяди.

Таъкидлаш керакки, юртимизда касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларини битириб чиқаётган ёшлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этилмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки тажрибадан маълумки, кичик бизнес ўзининг мослашувчанлиги билан бозор иқтисодиёти шароитида бандликни таъминловчи етакчи куч ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизнинг иш билан банд бўлган аҳолисининг 70 фоиздан ортиғи шу соҳада меҳнат қилаётгани шундан далолат беради, албатта.

Шу маънода, Президентимиз томонидан Баркамол авлод йилига бағишлаб қабул қилинадиган дастурда айнан кичик бизнесга ёшларни жалб этиш масаласига принципиал аҳамият бериш кераклиги алоҳида таъкидланганини мамлакатимиз ёшлари зўр мамнуният билан қарши олишди. Бу уларни янги марраларни забт этишга руҳлантирмоқда.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# САРМОЯВИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ушбу зонадаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши замонавий асбоб-ускуналар ва техникани, технологик линиялар ва модулларни ишга солиш, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорида рақобатга бардошли маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқаришдан иборат. Хусусан, бу ерда электротехника, машинасозлик ва автомобилсозлик саноати учун бутловчи қисмлар, озиқ-овқат, фармацевтика маҳсулотлари ва тиббиёт ускуналари ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

Ҳозиргача “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида саноат корхоналари ташкил этиш бўйича умумий ҳажми 187 миллион АҚШ долларидан зиёд 19 та битим имзоланган. Бу корхоналар тўлиқ ишга тушганидан сўнг йилига 375,5 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқаради ва унинг қарийб ярмини экспорт қилади. Жорий йил давомида “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида 50 лойиҳани ўзлаштириш режалаштирилган.

— Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги стратегик шериклик алоқалари йил сайин мустаҳкамланиб бораётгани бизни ғоят қувонтиради, — деди Корея ривожланиш институти президентининг маслаҳатчиси Жунг Тэк Хюн. — Қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётгани ўзаро ҳамкорлигимиз изчил ривожланиб бораётганидан далолатдир. “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида ишбилармонларнинг эркин ва фаол иш юритиши учун барча қулайликлар мавжуд.

Тадбирда мамлакатимиз иқтисодиётига, хусусан, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, Ўзбекистоннинг нефть-газ, кончилик, автомобилсозлик, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика каби кўплаб соҳалардаги салоҳияти ҳақида сўз юритилди.

— Мавжуд иқтисодий барқарорлик ва қулай сармоявий муҳит туфайли мамлакатингиз юксак иқтисодий кўрсаткичларга эришмоқда, — деди Корея ривожланиш институти профессори Си Вук Ли. — Дунёда молиявий-иқтисодий инқироз ҳукм сураётганига қарамай, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажми муттасил ортмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми узлуксиз ошиб бораётгани халқаро иқтисодий бўҳрон шароитида ҳам ўзаро ҳамкорлигимиз изчил тараққий этаётганидан далолат беради.

Тадбирда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасини иқтисодий ривожлантириш, сармоя жалб этиш ва бу жараён механизмлари ҳамда бошқа мавзуларда маърузалар тингланиб, муҳокама қилинди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

***Президентимизнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қишлоқларда турмуш маданиятини ошириш, замонавий тураржойлар барпо этишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.***

# ЭНДИ ЗАМОНАВИЙ УЙЛАРДА ЯШАЙМИЗ

**2010 йилда Навоий вилоятида намунавий лойиҳа асосида 410 та замонавий уй-жой бунёд этилади.**

Айни пайтда Навоий вилоятидаги Кармана, Қизилтепа ва Нурота туманларида мазкур қарорга мувофиқ, намунавий лойиҳа асосида олтмишта тураржой барпо этилмоқда.

Қизилтепа туманидаги Маликобод қишлоғи “Самарқанд — Ашхобод” халқаро йўли бўйида жойлашган. Бу ерда йигирма оила учун табиий-иқлим шароити, маҳаллий аҳолининг эҳтиёж ва имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда олти хонадан иборат замонавий уйлар барпо этилмоқда. Қурилишни “Навоий сув қурилиш” бошқармасига қарашли “ПМК-9” ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари амалга оширмоқда.

### Озод юртнинг обод уйлари

— Лойиҳада аҳоли пунктининг муҳандислик-коммуникация тизимига алоҳида эътибор қаратилган, — дейди “ПМК-9” ҳиссадорлик жамияти раҳбари Фаёз Низомов. — Чўлда намунавий лойиҳа асосида шаҳардагидан қолишмайдиган аҳоли пункти қад ростламоқда. Қурилиш ишларини қисқа фурсатда якунлаш учун қўшимча ишчи кучи жалб этилди. Ҳозир бу ерда 400 нафардан ортиқ қурувчи меҳнат қилмоқда. Уйларнинг таннархи ошиб кетмаслиги учун ғишт ва томёпқич материалларини туманимиздаги ишлаб чиқариш корхоналаридан олаяпмиз. Ҳозирга қадар барча уйларнинг томи ёпилиб, эшик-ромлари ўрнатилди. Айни пайтда сўнгги пардозлаш ишлари бажарилаётир. Келгуси ойда қурилиш ва ободонлаштириш ишларини якунлаб, янги уй калитларини ўз эгаларига топширмоқчимиз. Барча қулайликларга эга бундай уйларга талабгор кўпайиб бораётир. Шуни инобатга олиб, Маликобод қишлоғида яна йигирмата уй-жой қурилишини бошлаб юбордик.

Ёш оила бошлиғи Дониёр Муродов анчадан бери янги уй қуриш учун маблағ тўплаб келарди. Маликобод қишлоғида янги уй-жой қурилишини ва бу қурилишга “Қишлоқ қурилиш банк” очиқ акциядорлик тижорат банкидан кредит ажратилишини эшитиб, кўнглида умид ва ишонч уйғонди. Имкониятдан фойдаланиб, янги уйга буюртма берди.

— Хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаман, — дейди Дониёр. — Ёш оиланинг оёққа туриши осон бўлмас экан. Юртбошимиз ташаббуси билан қишлоқларда замонавий уй-жой қурилишига алоҳида эътибор қаратилаётгани биз, ёшлар учун ҳам айни муддао бўлди. Пахса уйда туғилиб, катта бўлганмиз. Энди шинам, ҳамма қулайликларга эга, ҳавас қилса арзийдиган уйда яшайдиган бўлдик. Янги қишлоғимизда боғча ва мактаб, маиший хизмат шохобчалари, савдо дўконлари қурилишини эшитиб, янада қувондик.

“Қишлоқ қурилиш инвест” ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компаниясининг Навоий вилояти бўлимидан маълум қилишларича, қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий режалаштирилишини ташкил этиш, қишлоқларда тураржой ва ижтимоий соҳа объектлари барпо этиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича 2009 — 2013 йилларга мўлжалланган лойиҳа ишлаб чиқилган. Унга кўра, 2010 йилда Навоий вилоятининг саккиз туманида 410 та тураржой бунёд этилади. Ана шу мақсадда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга эътибор кучайтирилмоқда. Ўтган йили вилоятда еттита ғишт, иккита черепица, учта темир-бетон, битта пенобетон, битта гипсокартон ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилган эди. Улар сафи янада кенгаяди.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

# БУНЁДКОРЛИК, ЯНГИЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ

## она-юртимизда олиб борилаётган яратувчанлик ишларида яққол намоён бўлмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳозирда тайёр маҳсулотнинг эллик фоизи хорижга экспорт қилинмоқда. Бундан ташқари, корхона жамоаси ойига минг тонна қурилиш гипси, беш минг тонна майдаланган гипс тоши ҳам ишлаб чиқараётир.

— Жамоамиз 2009 йилда уч миллиард 270 миллион сўм даромад қилди, — дейди қўшма корхонанинг молиявий масалалар бўйича директори Фаррух Икромов. — Меҳнат унумдорлиги 2008 йилдагига нисбатан 42 фоизга ошди. Ишчиларимиз бугунги кунда хорижнинг замонавий дастгоҳларини моҳирлик билан бошқармоқдалар. Уларнинг бир қисми хориждаги турдош корхоналарда малака ошириб қайтганликлари бунда қўл келаяпти. Биз ўз меҳнатимиз билан шаҳару қишлоқларимизни янада ободонлаштиришга ҳисса қўшаётганлигимиздан мамнунмиз.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



**СУРАТЛАРДА:** қўшма корхона фаолиятидан лавҳалар.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

# ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР САМАРАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Пахта ва ғалла алмашлаб экилган майдонларда ҳосил йиғиштириб олингач, чуқур шудгорлаб, такрорий экин етиштирилганида, тупроқнинг ҳайдов қатлами донадорлиги ошгани маълум бўлди.

Тажрибалар натижасига кўра, хўжаликларга тегишли тавсиялар берилиб, ҳосилдорликни ошириш чоралари кўрилаётир. Мутахассислар инновацион лойиҳа доирасида илмий тадқиқот ишларини давом эттирмоқда. Дала тажриба амалиёти билан бирга тупроқ намуналаридан кимёвий таҳлил олинмоқда. Натижалар шўрланган зовур сувларидан узлуксиз фойдаланиш тупроқ шўрланишининг бош омилларидан бири эканини кўрсатмоқда. Жорий йилда зах сувлар сатҳи, минерализацияси, тупроқ шўрланиш даражаси, оқар сувлар ҳисоб-китоби, ер ости сувлари ҳаракатланишига доир тадқиқотлар, тупроқ қатлами агрофизик ва сувфизик хоссалари ҳамда агрокимё, сувкимё хоссалари динамикасига оид тадқиқотлар амалга оширилади.

Бундай илмий изланишлар, тажриба ва олимлар билан деҳқонлар ҳамкорлиги ҳосилдорликнинг кескин ошишига, пировардида аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Х. МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

### Яхши хабарлар

***Орол денгизининг қуриган Оққум ва Ахантай қисмида 20 минг гектарлик сунъий ўрмонзор барпо этиш борасида давлатимиз томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.***

## «Яшил қалқон» яратиш йўлида

Айни пайтда бу борада халқаро жамғармалар томонидан ҳам беғараз ёрдам кўрсатилаётир. Хусусан, Мўйноқ тумани ўрмон хўжалигига Япония ҳукумати гранти асосида умумий қиймати 66,3 минг АҚШ долларилик қишлоқ хўжалиги техникалари етказиб берилди. Бу қум-тўзон кўтарилишига қарши “яшил қалқон” яратиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг жадаллашувига хизмат қилиши табиий.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Жиззах туманидаги “MILK FOODS” масъулияти чекланган жамияти қошида улкан чорвачилик мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

## Мажмуа фойдаланишга топширилди

Бунинг учун 2,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди. Айтиш лозимки, мажмуага сутни қайта ишлайдиган замонавий технологиялар ҳам ўрнатилган. Айни пайтда бу ерда Германиядан келтирилган 500 бош зотдор сигир боқилмоқда.

**С. БАҲРИДДИНОВ.**

***Кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган электр энергиясини ҳосил қилиш учун катта миқдорда ёнилғи, технологик ва меҳнат ресурслари сарф этилиши барчамизга яхши маълум. Шундай экан, энергетика тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш учун ана шу сарф-харажатларни тўлиқ қоплаш, яна ҳам аниқроғи, фойдаланилган қувватлар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш талаб этилади.***

# ИСТЕЪМОЛЧИ МАСЪУЛИЯТИ

## электр учун тўловни кечиктирмай амалга оширишда ҳам ўз ифодасини топади

Хўш, бу борада истеъмолчилар ўз зиммаларидаги масъулиятни тўлиқ адо этаяптиларми? Умуман, мазкур соҳадаги муаммо ва камчиликларнинг юзага келиш сабаблари нималардан иборат?

Маълумки, айни кунда юртимизнинг барча ҳудудларида электр энергиясидан керагича фойдаланиб, унинг ҳақини тўлашни пайсалга солиб келаётган қарздор хонадонлар мавжуд. Ўйлаб қаралса, ушбу нохуш ҳолатларнинг юзага келишига оила бошлиқлари ёхуд хонадоннинг бошқа аъзолари лоқайдлиги, масъулиятсизлиги сабаб бўлаётгани ойдинлашади. Бироқ бевосита давлат, жамият тараққиётига ҳисса қўшиш мақсадида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар-чи? Уларнинг гарданида катта миқдорда қарздорлик мавжудлигини қандай изоҳлаш, нима билан оқлаш мумкин?

Хусусан, “Сувоқова” давлат корхонасининг Наманган шаҳар филиали — вилоятдаги энг йирик истеъмолчилардан бири. Амалдаги шартномага мувофиқ, энергетиклар корхонага электр қуввати етказиб бериш юзасидан ўз мажбуриятларини тўлиқ бажариб келишаяпти. Аммо иккинчи томон фойдаланилган қувват ҳақини тўлашни ҳамон пайсалга солаётир. Янада аниқроқ айтганда, ҳозирга келиб “Сувоқова”нинг фойдаланилган электр энергиясидан қарзи 4,1 миллиард сўмга етган. Косонсой шаҳар “Сувоқова”си ҳам бу борада ҳамкасблари ортидан изма-из бораяпти. Мазкур корхонанинг электр энергиясидан қарзи қарийб 110 миллион сўмга етганига қарамай, уни тўлаш борасида амалий ҳаракатлар кўзга ташланмаяпти. Катта миқдордаги қарздорлик ҳолатлари юзага келган юридик шахслар орасида Косонсойдаги “Манзурахон текстиль”, Попдаги “Ўзрубероид” масъулияти чекланган жамиятлари, Тўрақўрғондаги “Оҳангар ТТТ”, Уйчидаги автомобиль йўлларидан фойдаланиш бошқармаси сингари корхоналар ҳам бор.

Вилоят электр тармоқлари тизими солиқ ва ҳуқуқ идоралари кўмагида тўлов интизомини муттасил бузаётган бундай истеъмолчилар билан изчил иш олиб бораяпти. Жумладан, ўтган йилнинг ўн бир ойида 6069 та юридик шахснинг 13 миллиард 688 миллион сўмлик муддати ўтган қарзлари ҳақидаги ҳужжатлар солиқ идораларига тақдим этилди. Кўрилган қатъий чоралар натижасида уларнинг 1577 тасидан 6,5 миллиард сўм ундирилди. Шу сингари 31 минг 475 нафар жисмоний шахснинг 1 миллиард 282 миллион сўм миқдоридаги муддати ўтган қарзлари фуқаролик судларига оширилиб, ушбу сумманинг чорак қисми электр корхоналари ҳисобига туширилди.

### Таассуф

Яна бир масала: истеъмолчиларнинг интизомсизлиги нафақат тўловлар, балки электр қувватидан ноқонуний равишда фойдаланиш ҳолларида ҳам кўзга ташланаяпти. Қонунбузарларнинг аксарияти тармоққа рухсатсиз уланиш, чироқлар ва иситиш асбобларидан электр ҳисоблагични четлаган ҳолда фойдаланиш орқали қинғир ишларни амалга оширмоқдалар. Энергетиклар бундай ҳолатлар юзасидан доимий назорат олиб боришга ҳаракат қилишади. 2009 йилнинг ўн бир ойида ўтказилган текшириш ва рейдлар давомида 1529 та ҳолатда электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари аниқланиб, қонунбузарлар билан далолатнома асосида 1,2 миллиард сўмлик миқдорда қайта ҳисоб-китоб қилинди. Мисол учун, Уйчи туманидаги “Ҳошимжон ота” фермер хўжалигида электр қувватидан ноқонуний равишда фойдаланилаётгани аниқланди. Қонунбузар фуқаро бу “ҳунари” учун 503,9 минг сўм жарима тўлади. Мингбулоқ туманидаги “Мусажон Бектимиров” хусусий корхонасида эса бутун бир корхона фаолияти рухсатсиз уланилган тармоқ орқали юритилаётган экан. Тадбиркор 5184 киловатт соат энергия ҳақини тўлашига тўғри келди. Бошқа бир истеъмолчи А. Абдураҳмоновга эса тегирмонни рухсатсиз тармоққа улаб олганлиги учун 204,6 минг сўм жарима солинди.

Маълумки, қиш мавсуми — энергетиклар фаолиятида тиғиз давр. Бир томондан таъминот узлуксизлигини таъминлаш, бошқа томондан юқоридаги сингари интизомсиз истеъмолчилар билан ишлаш, бунинг устига, қувват узатиш станцияларини зўриқишга олиб келаётган ностандарт иситиш асбоблари назоратини амалга ошириш талаб этилади. Бундай палла да уларга жамоатчиликнинг амалий кўмаги жуда асқотади. Электр энергияси тўлови, ундан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ салбий ҳолатларга кўпчилик, айниқса, маҳалла жиддий муносабат билдирса, бу вазифаларнинг уддасидан бемалол чиқиш мумкин.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЖАҲОН

## 24 соат ичида

***Франциянинг Лион шаҳри яқинидаги металл эритиш корхонасида ўғирлик содир этилди.***




### Ўғирлик содир этилди

"Le Monde" нашрининг ёзишича, тўрт нафар қуролланган шахс корхона ҳудудига бостириб кириб, 100 килограммдан кўпроқ олтинни олиб чиқиб кетган. Кейин эса улар бир аёл ва эркакни гаровга олиб, яширинганлар.

Мазкур корхонада бундай воқеа биринчи бор юз бераётгани йўқ экан. Жумладан, 2007 йилда ҳам бу ердан уч юз килограммга яқин олтин ўғирлаб кетилган.

### Зарар кўриши мумкин

***"Airbus" самолётсозлик компанияси жорий йилда бир миллиард евро йўқотиши мумкин.***

Бу ҳақда компания раҳбари маълум қилди. Унинг айтишича, долларнинг еврога нисбатан қадри тушиб кетаётганлиги шундай тахминларни илгари суришга асос бўлмоқда. Бундан ташқари, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан сўнг "Airbus"нинг яна даромад кўриб ишлаши учун муайян муддат талаб этилади. Компания ҳарбий самолётлар ишлаб чиқаришни тўхтатмоқчи. Чунки бундай лайнерларга буюртмалар олинган бўлса-да, ҳамон пуллари тўланмаган.

### Бозори чаққон русумлар



***"Volkswagen Golf" ўтган йил якунлари бўйича Европанинг "Энг харидоргир автомобили", деб топилди.***

Бу борада кузатишлар олиб борган "JATO Dynamics" таҳлил марказининг ҳисоб-китобларига қараганда, 2009 йилда кўҳна қитъада 571 минг 838 дона шу русумдаги машина сотилган. Бу умумий миқдорнинг 23,9 фоизини ташкил этади. Иккинчи ва учинчи ўринларни "Ford Fiesta" ҳамда "Peugeot 207" русумли автоуловлар банд этган.

Энг кўп машина сотиш борасида ҳам "Volkswagen" концерни етакчилик қилган. У йил давомида 1,288 миллион дона маҳсулотини пуллаган. Аммо экспертлар 2009 йилда қитъа автомобиль бозорида 2008 йилдагига қараганда 0,7 фоиз пасайиш кузатилганини билдиришди.

### «Олтин глобус» соҳиблари

***Калифорнияда "Олтин глобус" мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.***

Олтмиш еттинчи бор ташкиллаштирилган мазкур тадбирда бош соврин Жеймс Кэмерон томонидан суратга олинган "Аватар" фильмига берилди. Комедия жанридаги "Вегасдаги куёв оши" кинокартинаси "Энг яхши фильм", деб топилди. Бош қаҳрамон талқинини жуда яхши ижро этган актёр сифатида Жефф Брижес ("Телба юрак") тан олинди. Актриса Сандра Баллак "Энг яхши драматик образ яратувчиси", деб эълон қилинди. Шунингдек, тақдимот маросимида яна бошқа бир қатор номинацияларда ғолиблар аниқланди.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

***Ўтган ҳафтада Гаитида юз берган кучли зилзила Кариб денгизи ҳавзаси ҳудудида сўнгги икки юз йил ичида содир бўлган энг йирик табиий офат, дея баҳоланмоқда. Талафот, айниқса, мамлакат пойтахти Порт-о-Пренсга жиддий зарар етказди. Бу ердаги маъмурий иншоотлар, хорижий ташкилотлар бинолари, турар-жойлар бутунлай вайронага айланди. Охирги маълумотларга кўра, ер силкиниши 75 мингдан ортиқ одамнинг умрига зомин бўлган, 250 мингдан зиёд киши эса жароҳатланган. Афсуски, қурбонлар сони икки юз минг кишигача етиши мумкинлиги айтилмоқда. Чунки қулаб тушган бинолар остида минглаб одамлар қолиб кетган. Уларнинг тирик эканига бўлган умид эса тобора сўниб бормоқда. Мамлакатда январь ойининг охирига қадар фавқулодда ҳолат эълон қилинган бўлиб, айни пайтда қидирув-қутқарув ишлари тезкор суръатларда давом эттирилмоқда.***

# ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИНИНГ МАДАДИ

## Гаитида юз берган зилзила оқибатларини бартараф этишда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда

Шарҳ

Шундоқ ҳам иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечираётган, ғарбий ярим шарнинг энг қолоқ давлатларидан бири ҳисобланган Гаити учун бу мудҳиш воқеа ўта оғир зарба бўлди. Маълумот ўрнида қисқача келтириб ўтсак: 10 миллион аҳолига эга мамлакатнинг ярмидан кўпроғини 20 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Ишсизлик даражаси эса 30 фоиздан юқори. Гаитида табиий бойликларнинг энг йирик захираси мавжуд бўлишига қарамай, бу ерда саноат ўта суст ривожланган. Ялпи ички маҳсулотининг 40 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳисобидан қопланади. Унинг асосини қаҳва, пахта, шакарқамиш, какао ва тамаки етиштириш ташкил этади. Қишлоқда инфратузилма ҳам бугунги кун талаби даражасида ривожланмаган. Ер силкиниши эса уни бутунлай аянчли аҳволга солиб қўйди. Ушбу ҳолат табиий офат оқибатларини бартараф этишда ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмади, албатта. Гап шундаки, халқаро ташкилотлар ва давлатларнинг инсонпарварлик юкларини ўз вақтида етказиш, жабрланганларга тезкор ёрдам кўрсатишда йўлларнинг таъмирталаблиги, аэропортларда самолётларнинг қўниши учун шароит мавжуд эмаслиги, юк автомобиллари етишмовчилиги ишни янада қийинлаштирди. Шундай бўлса-да, жаҳон ҳамжамияти имкон қадар мадад кучларини кечиктирмасликка ҳаракат қилмоқда. Чунки ҳудудда юқумли касаллик тарқалиш хавфи юқори бўлиб, агар бунинг олди олинмаса, аҳвол янада мураккаблашиши мумкин.

Гаитидаги вазиятни ўнглаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Иттифоқи, АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Бразилия, Венесуэла, Россия, Туркия ва яна бир қанча давлатлар, халқаро ташкилотлар ёрдам юклари ҳамда қутқарувчилар гуруҳини жўнатган. Улар орасида техника воситалари, дори-дармонлар, ичимлик суви, озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган бошқа маҳсулотлар бор. Ҳозирда воқеа жойида халқаро ҳамжамиятнинг 11 мингдан ортиқ қутқарувчилари иш олиб бормоқда. Порт-о-Пренсга ташриф буюрган БМТ Бош котиби мавжуд аҳвол билан яқиндан танишгач, БМТ Хавфсизлик Кенгашидан яна 3,5 минг нафар ёрдам кучи жўнатишини сўраб, мурожаат қилди. Ҳисоб-китобларга кўра, айни пайтгача Гаитига 562 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган. Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг душанба куни Брюсселда бўлиб ўтган фавқулодда йиғилиши қарорига мувофиқ, зилзила келтирган талафотларни бартараф этиш тадбирларига 400 миллион евро (575 миллион АҚШ доллари) йўналтирилади. Унинг асосий қисми (330 миллион евро) Еврокомиссия томонидан, қолгани эса унга аъзо давлатлар ҳисобидан амалга оширилади.

Биз, одатда, жаҳон киноси юлдузлари, таниқли футболчилар ва қўшиқчиларнинг миллиардлаб маблағларини турли кўнгилочар тадбирлар, аллақандай ороллардаги маҳобатли виллалар, шунингдек, автомобиллар харидига, туғилган кунларни ўтказишга аямай сарфлаши ҳақидаги хабарларни эшитишга ўрганиб қолганмиз. Лекин Гаитидаги аянчли ҳолат ана шу инсонларни ҳам хайрли ишга қўл уришга ундади. Жумладан, жаҳоннинг энг кучли теннисчиси Роже Федерер ушбу мамлакатга ёрдам кўрсатиш учун Австралия очиқ чемпионати бошланишидан аввал Мельбурн шаҳридаги "Род Лейвер" номли аренада ўзига хос шоу уюштирди. Рафаэль Надаль, Новак Жокович, Энди Роддик, Серена Уильямс, Ким Клейстерс каби номдор ракетка усталари иштирокидаги ўйинларни томоша қилишга 15 минг мухлис йиғилди. Тадбирдан тушган маблағ Гаитига жўнатиладиган бўлди. "Биз қандай бўлмасин Гаитидаги тиклаш ишларига ўз ҳиссамизни қўшишни мақсад қилгандик, — дея изоҳлади шоу ташкилотчиси Федерер. — Бу борадаги таклифимга дўстларим ҳам бажонидил рози бўлишди. Бундан ҳаммамиз мамнунмиз".

Бу каби ташаббус бошқа спорт турлари иштирокчилари томонидан ҳам амалга оширилмоқда. Масалан, Шимолий Американинг миллий футбол лигаси 2,5 миллион, баскетбол лигаси 1 миллион, хоккей лигаси 100 минг АҚШ доллари йўналтирмоқда. Шунингдек, дунёга машҳур қўшиқчилар Жастин Тимберлейк, Кристина Агилера ва Алиша Кийс Гаитига мадад тариқасида 22 январда ўтказиладиган телемарафонда иштирок этадилар. Таниқли актёр Жорж Клуни олиб борадиган акцияда дунё шоу-бизнес оламининг 40 дан ортиқ юлдузлари чиқиш қилиши кутилмоқда. Ушбу дастур етакчи телеканаллар орқали эфирга узатилади ва ундан тўпланган маблағ зилзиладан жабр кўрган аҳоли манфаатларига сарфланади.

Жаҳон киносининг маҳоратли актрисаси Сандра Баллак ўз ҳисобидан бир миллион доллар, Мадонна эса 250 минг доллар ажратишга қарор қилган. 24 январь куни Нью-Йорк шаҳрида концерт ўтказишни режалаштирган қўшиқчи "Lady GaGa" дастуридан тушган маблағни Гаитига жўнатишини билдирди.

Футбол юлдузлари Зинедин Зидан ва Испаниянинг "Реал Мадрид" клуби ярим ҳимоячиси Кака ҳам бундай савобли ишга бош қўшган. Улар 25 январь куни Лиссабондаги стадионда жаҳон ва Португалиянинг "Бенфика" жамоаси футбол юлдузлари ўртасида хайрия ўйини уюштиришмоқчи. Павел Недвед, Фернандо Йерро, Руй Кошта сингари номдор "чарм тўп" усталари қатнашадиган ушбу баҳснинг бош мақсади Гаитига кўмак беришдир.

Содир бўлган табиий офат бутун дунёни ларзага солди, десак муболаға бўлмас. Ҳозир барчанинг диққат-эътибори айнан Гаитига қаратилган. У ерда давом этаётган қидирув-қутқарув ишларидаги ҳар бир хушхабарни жаҳон ҳамжамияти мамнуният билан қабул қилаяпти. Ана шу воқеа асносида халқимизнинг дуога қўл очиб, "ўт балосидан, сув балосидан асрасин, дунёда тинчлик, хотиржамлик бўлсин", дея ният қилиши нақадар теран маъно-мазмунга эга эканини, бу тилакнинг аҳамияти қанчалар юксаклигини яна бир карра чуқур ҳис қилдик. Мақсадимиз шуки, ҳеч кимнинг бошига бундай кунлар тушмасин.

**Шавкат ОРТИҚОВ.**

# ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ШАРОФАТИ

***Наманган шаҳридаги "Мехмаш" очиқ акциядорлик жамиятида янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш бошланди. Гап шундаки, бу ерда замонавий технологик линия ўрнатилгач, ўн беш турдаги металл қувурлар тайёрлаш имконияти яратилди.***

Изланиш

Корхонада, шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги техникалари учун эҳтиёт қисмлар, қурилиш саноати учун металл конструкциялари, таълим муассасалари устахоналари учун жиҳоз ва асбоб-ускуналар, шунингдек, конвейер роликлари ишлаб чиқарилаётир. Уларнинг сифати юқорилиги боис талаб тобора ортиб бораяпти. Даромаднинг салмоқли қисми эса замонавий технологик линиялар олиб келишга сарфланаётгани импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашда муҳим омил бўлаётир.

Қувонарлиси, жамоада бир неча агротехника тадбирларини бирваракайига бажаришга мўлжалланган сеялка, кимёвий дори сепадиган агрегат, сувни тозалаб берадиган насосларнинг тажриба нусхалари ҳам тайёрланди. Улар жорий йилда синовдан ўтказилиб, ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши мўлжалланмоқда.



**СУРАТДА:** жамият оператори Содиқ Сатторов ва ишчи Зафар Холмирзаев.

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.**

***Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, ишлаб чиқариш корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш борасида олиб борилаётган ишлар натижасида уларнинг фаолияти тобора барқарорлашмоқда.***

# ИМКОНИЯТ – РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Ислоҳот

Албатта, бундай ижобий ўзгаришларда корхоналарга яратиб берилаётган имтиёз ва имкониятларнинг аҳамияти катта. Масалан, 2009 йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра, биргина тижорат банклари маблағлари ҳисобидан уларнинг айланма капиталини тўлдириш учун 160 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредит берилгани сўзимиз исботидир.

Маълумки, бугун дунё миқёсида кузатилаётган молиявий инқироз кўплаб мамлакатлар иқтисодиётини танг аҳволга солиб қўяётгани, бир қатор йирик-йирик корпораця ёки корхоналарнинг иш жараёнига таъсир кўрсатаётгани айни ҳақиқат.

Қувонарлиси, юртимизда унинг салбий оқибатларини бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури амалда ўз самарасини бермоқда. Зеро, унда корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, экспорт салоҳиятини ошириш сингари муҳим вазифаларга алоҳида эътибор қаратилгани натижасида нафақат шаҳарлардаги, балки узоқ қишлоқлардаги корхоналарда ҳам ижобий ўзгаришларга эришилмоқда. Жумладан, Булунғур туманидаги "Афросиёб мева" Ўзбекистон — Бирлашган Араб Амирликлари қўшма корхонаси фаолияти бунинг яққол далилидир. Асосан, помидор ва олма маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган мазкур қўшма корхонада самарадорлик йил сайин ортиб бораётир.

Таъкидлаш жоизки, бу жараёнда, айниқса, Юртбошимиз томонидан ҳаётга татбиқ этилган бир қатор Фармон ва қарорлар дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармони худди шундай ҳужжатлардан бири бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Негаки, ушбу Фармон, аввало, глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг олдини олиш, унинг оқибатларини бартараф этишда, қолаверса, ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини яхшилашда муҳим аҳамият касб этаётир. Буни "Афросиёб мева" қўшма корхонасининг айни дамда қўлга киритаётган муваффақиятлари мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Масалан, корхона ташкил этилган дастлабки йилларда бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар фақат ички бозорга чиқарилган бўлса, кейинчалик Россия ҳамда Украина давлатларига экспорт қилина бошлади. 2009 йилдан бошлаб эса улар сафига Қозоғистон ҳам қўшилди.

Албатта, бундай муваффақиятларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Корхона Австрия ва Хитойдан келтирилган 680 минг АҚШ долларилик замонавий қайта ишлаш технологиялари билан жиҳозлангани, шунингдек, электр энергиясини тежаш мақсадида барча цехлар реконструкция қилингани, қозонхонанинг тўлиқ таъмирлангани бунинг асосий омили бўлди. Бу ерда бир кеча-кундузда 1,5 минг тонна помидор, 700 килограмм олма қайта ишланиб, мижозларга пешма-пеш етказиб берилаётир.

Қисқа қилиб айтганда, ҳозирги кунда республикамизда корхоналарнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани амалда ўз самарасини кўрсатиб, уларнинг имкониятини ҳам, ишлаб чиқариш салоҳиятини ҳам орттирмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодиётининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Қизилқум бағридаги Янгиқозғон овулида икки мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бу овулда кейинги йилларда кўплаб янгиланишлар кўзга ташланмоқда.***

***Хусусан, замонавий умумтаълим мактаби мазкур масканга ўзгача кўрк бағишлаб турибди. Илм даргоҳида чорвадорларнинг 430 нафар фарзанди билим олмоқда.***

# ҚИЗИЛҚУМНИНГ ОБОД ГЎШАСИ

Ибрат

Янги қурилган қишлоқ шифохонаси эса аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бу ерда шифокорлар саҳронинг олис ҳудудларидан келган беморларни даволаб, уларга қувонч бағишламоқдалар. Йигирма ўринли ушбу даргоҳ замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Эллик ўринли болалар боғчасини айтмайсизми?! Ширкат хўжалиги жажжилар оромгоҳини ҳар йили таъмирдан чиқариб, уларга бепул озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бермоқда.

Энг асосийси, барханлар бағридаги бу овул хонадонлари "зангори олов"дан баҳраманддир. Овулга тоза ичимлик суви қувурлар орқали оқиб келади. Рўзғорбоп товарларни харид қилиш учун савдо расталари ишлаб турибди. Ўтган йили, яъни Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида овулда аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қиладиган кўплаб ибратли ишлар ҳам амалга оширилди. "Сарибел сур сервис" кичик корхонасида ўн беш нафар ёш меҳнат қилмоқда. Улар сур қоракўл терини ошлаб, жимжимадор бош кийимлари, аёллар нимчаси ва қўй терисидан пўстин тайёрламоқдалар. Бугунгача чевар тикувчилар йигирма миллион сўмликдан зиёд маҳсулотларни савдога чиқардилар.

Овулда уй бекаларини ҳам ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Конимех туманидаги "Сарибел" наслчилик ширкат хўжалигида 41 нафар аёл касаначи сифатида меҳнат қилаётгани бунинг тасдиғидир. Улар уйларида чеварлик билан шуғулланмоқдалар. Хом ашё етказиб бериш ва уни сотишни ширкат хўжалиги ўз бўйнига олган.

Қолаверса, овул маҳаллалари оралиғидаги икки чақирим йўл ҳашар йўли билан таъмирдан чиқарилди. Ўтқазилган уч минг туп манзарали кўчат баравж ўсмоқда. Тадбиркорлар томонидан минимаркет, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси, маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси, йўловчилар учун бекат ишга туширилди. Автобус ҳамда таксилар қатнови йўлга қўйилди. Амалга оширилган бу ишлар натижасида ўттиз нафардан зиёд ёш иш билан таъминланди.

Дарвоқе, "Сарибел" — мамлакатимизнинг энг йирик ва сердаромад чорвачилик хўжаликларидан бири саналади.

— Чорвадорларимиз, — дейди ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Ўрмонбой Кукенов, — 2009 йили 34 минг бош қўзини ўстиришга қолдиришди ва танлов асосида янгидан 23 отар ташкил этишди. Бу иш учун ўттиз нафардан зиёд уддабуррон ёшлар чўпонликка қабул қилинди.

Замонамиз шукуҳидан қадр топиб келаётган саҳро одамлари, ҳақиқатан ҳам, юрт равнақи йўлида изланишларни давом эттирмоқдалар.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




30R/1835


Қисқа сатрларда

### Иссиқхонада ҳосил мўл

***Косон туманидаги Қўйбоғ қишлоғилик Ўрин Омонов 20 сотихлик иссиқхонасида сервитамин помидор етиштиришни йўлга қўйди.***

Яқинда у эл дастурхонига 20 миллион сўмлик илк маҳсулотини тортиқ қилганидан ҳамқишлоқлари мамнун. Деҳқон қишлоқ аҳлига қиш мавсуми давомида сархил сабзавот етказиб беришга аҳд қилгани айниқса ибратлидир.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
☎ 236-09-25


Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси академик Алибек Рустамовга рафиқаси, кичик илмий ходим Нажиббек Рустамовга онаси

**ОЗОДА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси "Sport" телерадиоканали директорининг биринчи ўринбосари Шоабдулла Муҳаммаджоновга онаси

**МУҲАРРАМ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси Ўзбек тили кафедраси катта ўқитувчиси Зикирё Шариповга онаси

**САЛОМАТ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Олий ҳарбий божхона институти раҳбарияти ва шахсий таркиби институт масъул ходими Санам Худайбергеновага падари бузруквори

**ГАНЖА отанинг**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

"Qizilqum-Serg`ayratkorlar" ЁАЖ жамоаси бошқарув раиси

**Ҳабибулло ХОЛМУРОДОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

# БУЮК КЕЛАЖАКНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу рақамларни келтиришимиз бежиз эмас. Гап шундаки, шиддат билан ўзгараётган бугунги замонда ҳар бир давлатда ҳам ёшларга, уларнинг билим олиши ва келажагига бўлган муносабат ижобий эмас. Қай бир мамлакатда ишсизлик авж олиб, бошқа бирида тинчлик деган улуғ неъматга завол етмоқда. Бундай мамлакатлар аҳолиси фарзандининг келажаги ҳақида эмас, аввало, уйида тинч ётиб туришни ўйлайди. Доно халқимизда: "Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил", деган нақл бор. Рўй бераётган бу каби турли-туман воқеалар бизни шукрона билан яшашга ундайди.

айтилган фикрларни ҳам эшитиб қоламиз. Бўлса бордир, аммо ўзимиздаги оламшумул янгиланишларни сезмаслик ёки била туриб, билмасликка олиш мумкинми?!

Истиқлол туфайли нафақат мактабларимизга эътибор кучайди, шу билан бирга, ўқитувчиларнинг қадри ошди, қадди кўтарилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилингач, таълимда залворли ютуқларга эришилаётганини кўплаб мисолларда англаб бораяпмиз. Бу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, келажакка интилган, кўзлари чақнаб турган, замонавий дунёқараш эгаси бўлган, хорижий тилларни пухта биладиган ёш авлод ҳаётга кириб келмоқда. Президентимиз катта ғурур билан таъкидлаганларидек: "Кимки бизнинг ишимизга баҳо бермоқчи бўлса, ана шу ёшларга, уларнинг онги ва дунёқарашига боқсин!.."

**_Кўз олдимиздан кетгани йўқ: илгари чекка қишлоқларимизда мактаб, деса кўримсиз ва қаровсиз, полсиз бинолар бўларди. Айрим тоғли қишлоқларимизда истиқлол арафасида ҳам болалар ерда ўтириб сабоқ олишган. Энди эса манзара ҳам, тасаввур ҳам тамоман ўзгача: фарзандларимиз энг кўркам ва замонавий услубдаги биноларда, ёруғ ва шинам синфхоналарда ўқияптилар. Буларнинг барчаси истиқлол аталмиш қутлуғ неъмат ва Президентимизнинг ғамхўрлиги шарофатидандир, албатта!_**

Умуман олганда, бундай замонавий мактаблар — таълимга қаратилаётган юксак эътибор самараси. Зеро, ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик келажак пойдеворини мустаҳкамлаш учун асосий омил бўлиб хизмат қилади. Баъзан фалончи давлатда шароит бунақа, дея тамшаниб

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида қишлоқларимиздаги шарт-шароит янада яхшилангани, кенг кўламли ижобий ўзгаришлар юз бергани табиий. Зеро, истиқлолнинг илк йиллариданоқ Президентимиз раҳнамолигида қишлоқларни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинаяпти. Бугун энг чекка қишлоқларимизда ҳам катта-кичик корхоналар, қўшма корхоналар фаолияти йўлга қўйилган. Мактаб, коллеж, лицейларнинг янги биноси эса фақатгина чирой бахш этиб қолмай, шаҳар ва қишлоқ деган тафовутга барҳам бермоқда. Айниқса, биргина 2009 йилнинг ўзида бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилиб, мамлакатимиз бўйича жами 1 минг 957 та мактаб қурилган ва реконструкция қилинган бўлса, уларнинг 1 минг 622 таси айнан қишлоқ жойларда эканлиги диққатга сазовордир.

Қишлоқларимизда турмуш маданияти ва сифатини ошириш ҳақида гап кетганда, бебаҳо бойлик саналган инсон саломатлигини асраш, оналик ва болалик муҳофазаси, соғлом авлод тарбияси, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш борасидаги ўзгаришларни фахр билан тилга оламиз. Масалан, 2009 йилда барча қишлоқ туманларининг марказий шифохоналари умумий қиймати 12 миллион АҚШ долларилик бўлган тиббий анжомлар, 44 та "УАЗ" санитария машинаси, 280 та "Дамас-амбуланс" тез ёрдам машинаси билан таъминланди, қишлоқ врачлик пунктларига 1 миллион АҚШ доллар миқдорида тиббий лаборатория анжомлари етказиб берилди. Энг асосийси, йил давомида 3 миллион 750 минг нафар қишлоқ аҳолиси малакали тиббий кўрикдан, 22 минг нафардан зиёд ҳомиладор аёл махсус скрининг текширувидан ўтказилди, 400 минг нафар бемор шифохоналарда даволаниб, ўз саломатлигини мустаҳкамлади.

Бугун юртимизда 3164 та қишлоқ врачлик пункти — ҚВПлар фаолият юритмоқда. Бекиёс ислоҳотлар самараси бўлмиш ҚВПларда эндиликда минглаб малакали умумий амалиёт шифокори фаолият кўрсатаётир. Шу билан бирга, бундай муассасалардаги тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш мақсадида мамлакатимиздаги мавжуд тиббиёт олий ўқув юртлари, илмий-текшириш институтлари ва республика ихтисослаштирилган марказларнинг қарийб беш минг нафарга яқин профессор-ўқитувчилари ва соҳа мутахассислари иштирокида амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, авваллари олис қишлоқлар ҳудудида истиқомат қилувчиларнинг шифокор кўригига узоқ йўл босиб, вақт ва маблағ сарфлаб боришига тўғри келарди. Эндиликда барча зарурий тиббий ускуналар билан жиҳозланган, малакали мутахассислар билан таъминланган ҚВПларда бу борада етарли шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд.

Бу ва бошқа кўплаб қулайликлар, ўз навбатида, соғлиқни сақлаш тизимида эришилаётган ютуқлар салмоғи янада ортишига хизмат қилаётир. Бинобарин, кейинги йилларда ҚВПларга мурожаат қилувчиларнинг сони бир неча баробарга ошди. Хусусан, ҳозирда юртимиз бўйича 1 та ҚВПга бир кунлик қатнов 68 кишини ташкил қилмоқда. ҚВПларда касалликка ўз вақтида ва аниқ ташхис қўйиш ҳамда самарали даво усулларини қўллаш такомиллашгани натижасида кейинги пайтда туман ва вилоят шифохоналарида даволанаётган беморлар сони қарийб икки баробарга камайди.

Юртбошимиз маърузасида 2010 йилда давлат бюджетининг 50 фоиздан кўпроғи мамлакатимизда фақат таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилиши таъкидланди. Бундай эътибор ва ғамхўрлик бошқа давлатларда кузатилмаганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўз тараққиёт йўлига эга, инсон манфаатлари устувор саналган мамлакатимизда эса эзгуликка йўғрилган ислоҳотларнинг ҳаётий ифодасини кўрмаслик, сезмаслик, ҳис қилмаслик мумкин эмас. Зотан, Истиқлол деб аталмиш муборак неъматдан, ғамхўр Юртбошимиз меҳридан куч олиб камол топаётган йигит-қизлар нурафшон келажагимиз эгаларидир. Уларнинг баркамол бўлиб улғаймоғи учун кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳеч қачон унутилмайди, беиз кетмайди.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

# ЭЪТИБОР БЕҲАД РУҲЛАНТИРДИ

**_Президентимизнинг спортга қаратаётган катта эътиборлари туфайли мамлакатимизда ушбу соҳа жадал ривожланиб бормоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда қад ростлаётган кўркам ва маҳобатли спорт мажмуаларига қараб, бунга амин бўлиш мумкин. Қувонарлиси, уларда тарбияланиб, маҳорати сайқал топган ёшларимиз эндиликда қитъа, жаҳон, Олимпиада ҳамда бошқа халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда._**

Эътибор берганмисиз, бирор кун йўқки, оммавий ахборот воситаларимиз қайсидир бир спортчимизнинг халқаро миқёсдаги муваффақияти ҳақида хабар қилмаган бўлса. Ана шундай ғалабалар барчамизнинг қалбимизга ўзгача фахр бағишлаши, шубҳасиз. Бир мураббий сифатида эса мен бундай ютуқларга ҳисса қўшаётган шогирдларим борлигидан икки бора кўпроқ ғурурланаман.

**Дил сўзи**

Маълумки, Андижон Олимпия захиралари спорт коллежи мамлакатимиз терма жамоаларига маҳоратли спортчилар етказиб берувчи муассасалардан бири ҳисобланади. Мен ушбу жамоада бокс мураббийи сифатида фаолият бошлаганимда эндигина 23 ёшга тўлгандим. Аниқроғи, 2003 йилдан мазкур коллежда ишлаб келаяпман. Ёш бўлишимга қарамай, менга шундай масъулиятли вазифани ишониб топширишганидан руҳланиб, ўз иқтидоримни кўрсатишга интилдим. Бугун Ботиржон Маҳмудов, Қобилжон Бобожонов, Нодирбек Қосимов сингари юртимиз фахрига айланган истеъдодли боксчиларимиз номи тилга олиниб, мураббий сифатида мени ҳам эътироф этишларидан ўзимни беҳад бахтиёр ҳис қиламан. Бунинг завқи, қувончини сўз билан таърифлаш мушкул.

Қобилжон ёшлар ўртасида икки карра Ўзбекистон чемпиони, бир неча бор халқаро турнирлар ғолиби бўлган. Нодирбек ҳам шундай муваффақиятларга эришган. Ботиржоннинг эса ёш бўла туриб, ҳозиргача қўлга киритган ютуқларига ҳар қандай киши ҳавас қилса арзийди. Жумладан, у 2006 йили Озарбойжонда ташкил этилган халқаро турнир ва Вьетнамда ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида кумуш медаль совриндори бўлган. Икки йил аввал Мексикада бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида эса шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилган. 2009 йилда Италиянинг Милан шаҳрида уюштирилган жаҳон чемпионатида ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, бронза медали эгасига айланди. Буларнинг барчаси ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Мустақиллик берган имкониятлар, Юртбошимизнинг ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги бекиёс ғамхўрликлари натижасида ана шундай муваффақиятларнинг шоҳиди бўлмоқдамиз.

Давлатимиз раҳбари камтарона меҳнатимни юксак баҳолаб, "Дўстлик" ордени билан тақдирладилар. Бу олий ишончга муносиб бўлиш учун бор кучимни аямайман, юртимиз довруғини дунёга таратадиган спортчилар тарбиялашга ваъда бераман. Энг катта мақсадимиз, 2012 йили Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпиадада иштирок этиб, ҳеч кимдан кам эмаслигимизни яна бир бора намоён қилишдир. Ҳозир шу ниятда тайёргарликлар олиб бормоқдамиз. Ишончим комилки, биз, албатта, кўзлаган мақсадимизга эришамиз.

**Абдувоҳид ЖАЛОЛОВ,**
**Андижон Олимпия захиралари спорт коллежининг бокс бўйича мураббийси.**

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт

# ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВЛАР, ҚУВОНЧЛИ ЯКУНЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Унда таъкидланганидек, истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз ташаббуси билан ўзбек курашининг обрў ва нуфузини жаҳонда юксалтириш борасида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар бошланди. Натижада бундан ўн икки йил муқаддам Тошкентда Осиё, Европа ва Америка қитъасининг 28 давлати вакиллари иштирокида Халқаро Кураш Ассоциациясига асос солинди. 1999 йил 1 февраль куни Президентимизнинг "Халқаро "Кураш" Ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

— Кураш халқимизнинг қадимий спорт тури бўлиб, у уч ярим минг йилдан зиёд тарихга эга, — дейди Халқаро Кураш Ассоциацияси бош котиби Умид Ёқубов. — Айниқса, 2009 йил миллий спортимиз бўйича кўпгина халқаро мусобақалар бўлиб ўтди. Миллий курашимиз Осиё Олимпия Кенгаши томонидан Осиё спорти сифатида тан олинди. У яккакураш спорт турлари ва ёпиқ иншоотларда ўтказиладиган Осиё ўйинлари дастурига расман киритилди. 2009 йил 1-9 август кунлари Таиланд пойтахти Бангкокда яккакураш спорт турлари бўйича ўтказилган I Осиё ўйинлари дастуридаги кураш беллашувлари ўзининг томошабоплиги билан кўпчиликка манзур бўлди. Орадан кўп ўтмай, яъни 6-11 октябрь кунлари Украинанинг курорт шаҳри Алуштада катталар ўртасида VII жаҳон чемпионати, 30 октябрь — 6 ноябрь кунлари Вьетнамнинг Ханой шаҳрида ёпиқ иншоотлардаги III Осиё ўйинларидаги кураш баҳслари ҳам зўр муваффақият билан уюштирилди.

Бугунги кунда дунёда юздан зиёд спорт турлари мавжуд. Уларнинг ҳар бирида қайсидир халққа хос алоҳида жиҳатлар, қадрияту анъаналар акс этган бўлади. Лекин ана шуларнинг барчаси ҳам халқаро миқёсда эътироф этилмаган, тан олинмаган. Шу боис курашимизнинг жаҳон спорт майдонига чиққанлиги билан ҳақли равишда ғурурлансак арзийди. Сўнгги чорак аср ичида ўзбек курашидан ташқари бирор янги спорт тури халқаро миқёсда тан олинмаганлигининг ўзиёқ фикримиз тасдиғидир. Хўш, курашимизнинг бу қадар юксак нуфуз ва шарафга муяссар бўлишининг боиси не?! Унинг замирида халқимиз феъл-атворига хос инсонийлик, бағрикенглик, мардлигу тантилик хислатлари ўз ифодасини топгани эмасми? Қолаверса, кураш томошабоплиги, усуллари ранг-баранглиги билан ҳам жаҳон аҳлини ўзига мафтун этмоқда.

Халқаро Кураш Ассоциацияси фаолиятининг бош мақсади — курашни ёзги Олимпиада ўйинлари дастурига киритишдир.

Бугун шуни фахр ила айтишимиз мумкинки, ҳозиргача миллий курашимиз бўйича 117 та мамлакатда расмий федерациялар самарали фаолият кўрсатмоқда. Европа, Америка, Африка, Осиё, Океания Кураш конфедерациялари ўз қитъалари миқёсида мазкур спорт тури бўйича доимий беллашувлар, ўқув анжуманларини ўтказиб келаётир.



Тадбир давомида, шунингдек, йилнинг энг яхши халқаро турнири, федерацияси, курашчиси, ҳаками каби жами ўндан ортиқ номинациялар бўйича ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

— Мен учун 2009 йил омадли келди, — дейди "Энг яхши техникаси учун" номинацияси соҳиби Шерали Жўраев. — Украинада ўтган жаҳон чемпионати ва Таиланд пойтахти Бангкок шаҳри мезбонлик қилган яккакураш спорт турлари бўйича I Осиё ўйинларида ўз вазн тоифамда ғолиб чиқдим. Асосийси, барча беллашувларни соф ғалаба билан якунладим. Насиб этса, жорий йилги халқаро турнирларда ҳам муваффақиятли иштирок этиб, юртимиз довруғини кўтаришга ҳаракат қиламан.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

## Теннис: ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБАЛАР

**_Мельбурн шаҳрида теннис бўйича ўтказилаётган "Катта дубулға" туркумига кирувчи энг нуфузли тўрт мусобақадан дастлабкиси — Австралия очиқ чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Денис Истомин илк учрашувини ғалаба билан якунлади._**

Жаҳоннинг энг кучли ракетка усталари иштирок этаётган мусобақанинг биринчи босқичида Денис Истомин франциялик Жереми Шардига қарши кортга чиқди. Ҳужумкор ўйин кўрсатган ҳамюртимиз рақибини 6:2, 6:2, 6:0 ҳисобида енгди. Навбатдаги баҳсда у Германия вакили Михаэль Беррер билан рақобатлашади.

Мамлакатимизнинг энг кучли ракетка устаси — Денис Истомин изидан бораётган ёш теннисчимиз Неъмат Шофайзиев Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан Бирлашган Араб Амирликларининг Абу Даби шаҳрида ўтказилаётган ўсмирлар ўртасидаги халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этмоқда.

Яккалик беллашувларида учинчи рақамда сараланган ҳамюртимиз дастлабки босқичда россиялик Сергей Дяконов билан беллашди. Рақибидан ҳар томонлама устунлигини намойиш этган ўн олти ёшли теннисчимиз 6:4, 6:0 ҳисобида ғалабага эришди. Энди у чорак финал йўлланмаси учун мезбонлар вакили Рашид Ал-Фасалий билан куч синашади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**



## ОБ-ҲАВО (21 январь)



**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Тунда 3-8 даража совуқ, кундузи 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ атрофида бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ атрофида, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Тунда 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ ўртасида, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ ўртасида, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Тунда 1-6, кундузи 9-14 даража илиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ ўртасида, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Ҳарорат тунда 1 даража совуқ билан 1 даража илиқ атрофида, кундузи 8-10 даража илиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

# ЁЛҒОННИНГ УМРИ ҚИСҚА

**_...Хушрўйгина Зироат (исми ўзгартириб бериляпти), гарчи, 24 баҳорни қаршилаган бўлсада, фойдали меҳнат қилишни хуш кўрмайди, енгил-елпи ҳаёт кечиришга ўрганиб қолган. У ҳатто Туркияга бориб, ёмон йўлларга юришдан ҳам ор қилмади._**

**_Қўқонга қайтиб келгач эса, яна сафарларни, "мижозлари"ни қўмсаб қолди. Йўлга бир ўзи чиқмаслик учун шерик топишни кўнглига тугди. Мева-чева харид қилиш баҳонасида "Деҳқон бозори"га тушди. Расталарни айланиб юрганида таниши Дилором Қўлдошевани учратиб қолди._**

— Ўртоқжон, савдо-сотиқ билан шуғулланаётган эдим. Ишим юришмаётир. Бировдан қарз олгандим, паспортимни гаровга бердим, — деди Д. Қўлдошева унга. — Бирор "ёғли" иш топиб беринг.

— Сизбоп иш бор, — дея уни тузоғига илинтирмоқчи бўлди Зироат. — Мен яқинда Туркияда бўлиб, анчагина "кўки"дан ишлаб келдим. Биздек хушрўй аёлларнинг "бозори" у ерда чаққон экан. Топган пулимга уй сотиб олмоқчиман. Хоҳласангиз, сизни ҳам Туркияга олиб кетаман.

— Шароит қандай экан? — дея қизиқди Д. Қўлдошева.

— Қандай эмас, қантдек, — дея жавоб қайтарди Зироат. — Борсангиз, анчагина ишлаб келасиз. Қарзингизни ҳам узасиз.

— Уйимдагилар билан маслаҳатлашиб кўрай. Кўнишса, бажонидил, — дея мужмал жавоб қайтарди Дилором. — Борардиму йўл харажатларига пулим йўқ-да.

— Бунисига хавотир бўлманг. Йўл харажатларини мен тўлайман. Бунга кетган пул ҳисобидан Туркияда мен учун бир ой "ишлаб" берасиз, холос. Тушганини мен оламан, — дея кулимсираб жавоб қайтарди Зироат унга. — Кейинги ойдан эса тушган пулни "арра"лаймиз.

Дарҳақиқат, Зироат 200 минг сўм берган куни Дилором паспортини унга топширди. З. Иноятова эса Марғилон шаҳрига бориб, ўзи ва Дилором учун 640 минг сўмга "Тошкент — Москва" йўналишида қатновчи поездга чипта харид қилди. Чиптани олган заҳоти ҳамтовоғига сим қоқди ва:

— Якшанба куни поездда Тошкентдан Москвага йўл оламиз. У ердан эса самолётда Туркияга учамиз, — дея огоҳлантирди Дилоромни.

**Огоҳлик**

Эртаси куни Дилоромнинг ўзи Зироатга қўнғироқ қилди.

— Ўртоқжон, мен сиз билан сафарга бора олмайман. Уйимдагилар рухсат беришмаяпти. Мени кечиринг, — деди у.

— Кеча мужмал жавоб қайтарганингдан билган эдим-а, — дея сенсирашга ўтди Зироат. — Бўлмаса бугуноқ сенга берган ва йўл харажатларига кетган пулларни олиб кел. Унутма, паспортинг қўлимда-я...

Дилором Зироатнинг аччиқ устида паспортини йўқ қилиб юборишидан чўчиди. Уни қайтариб олиш учун эса йўл харажатларига ҳамда 200 минг сўмлик қарзини беришга қурби етмасди. Қолаверса, олдинги қарзлари-чи? Ўйлай-ўйлай, тўғри Қўқон шаҳар ички ишлар бошқармасига борди. У ердагиларга бор гапни — таниши Туркияга фоҳишалик билан шуғулланиш учун олиб кетишга мажбурлаётгани, шунинг учун паспортини қайтариб бермаётгани ҳақида гапириб, ариза ёзди. Дилоромнинг аризасига кўра, тезкор гуруҳ тузилиб, одам савдоси билан шуғулланувчи Зироат Иноятовани қўлга олиш тадбири белгиланди.

— Қалтис ҳаракат қилманг. Шеригингизнинг ҳамма гапига рози бўлинг, — дейишди тадбир иштирокчилари Дилоромга. — Тошкентга кетадиган машинангизнинг давлат рақами ҳақида бизни хабардор қилиб қўйинг.

ИИБдан махсус топшириқ олган Д. Қўлдошева айтилган вақтда З. Иноятованинг уйига кириб борди. Унга Туркияга боришга, фоҳишалик билан шуғулланишга розилигини билдирди.

— Мана бу бошқа гап, — дея қувониб кетди одамфуруш З. Иноятова. — Туркияда пул ишлаб, ҳам менинг, ҳам бошқаларнинг қарзларини узасиз. Ортиб қолганига эса ўйнаб-кулиб юрасиз...

Ҳар иккиси Тошкент йўналишида қатновчи ҳайдовчининг машинасига ўтиришди. Машина салонидан Дилором ИИБда ишловчи шахсга уяли телефони орқали ўзи ўтирган машинанинг давлат рақамини билдирувчи SMS юборди.

...Елдек учиб кетаётган енгил машина Данғара туманининг "Чағали" постида тезкор гуруҳ томонидан тўхтатилди. Улар йўловчиларнинг ҳужжатларини текшириб бўлишганидан кейин Зироат Иноятовани "Сиз билан ички ишлар бошқармасида гаплашамиз", дея, қўлга олдилар. Шу ернинг ўзида унинг қўлидаги 2 та чиптани олиб, далилий ашё сифатида тегишли тартибда расмийлаштиришди. Ўзи ҳам айбига иқрор бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди судланувчи Зироат Иноятовани Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан айбдор деб топди. Унга беш йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Табиийки, судланувчи З. Иноятова қилмишига яраша ўз жазосини олди. Билъакс, у яна қанчадан-қанча аёлларни ўз тузоғига илинтириши, неча бир оилаларни хонавайрон қилиши мумкин эди...

**Баҳодир НОСИРОВ.**
Қўқон шаҳри

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 04. 61238 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.40 Топширилди — 00.30 1 2 4 5